



## ЯГОНА ЙИҒМА ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги «2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишни сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1487-сон қарори асосида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси негизида ташкил этилган Республика йиғма электрон каталог маркази (кейинги ўринларда “Марказ” деб юритилади) электрон каталоглаштиришга мўлжалланган молиявий ва меҳнат ресурслари билан боғлиқ харажатларни камайтириш, ахборот-кутубхона ресурслари кидирув тезлигини ошириш мақсадида мамлакатда ягона йиғма электрон каталог ташкил этишга ҳамда ахборот айрибошлаш соҳасида республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган тузилма ҳисобланади.

Шу билан бирга, ягона ахборот-кутубхона тизимини яратиш, фан, таълим ва тадбиркорлик йўналишлари бўйича турли маълумотларни тўплаш, фойдаланувчиларга ахборотларни тезкор излаб топиб бериш Марказ фаолиятининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Марказнинг хизмат турларидан мақсадли фойдаланишда АКМ ва АРМларнинг электрон каталоглари муҳим ўрин тутди. Ўз-ўзидан маълумки, электрон каталогларнинг бир жойга тўпланиши орқали йиғма электрон каталог яратилади. Шу ўринда йиғма электрон каталог ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиз.

Йиғма электрон каталог (ЙЭК) – бу минтақа ёки бирор соҳанинг бир неча кутубхонаси ёки кутубхона тармоқлари фондларини акс эт-

тирувчи электрон каталогдир. ЙЭКнинг бош вазифаси – кутубхоначилар ва фойдаланувчиларни нашрнинг жойлашган ўрни тўғрисида хабардор қилишдир. ЙЭК орқали турли ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар фондлари ягона фондга бирлашади, бунда такрорий библиографик ёзувлар бўлмайди, тўқислаш мувофиқлаштирилади, хужжатларнинг жойлашган ўрнини кўрсатиш билан уларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотлар берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги” Қонуни-нинг 3-моддасида “Йиғма электрон каталог – ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон каталоглари мажмуи” – деб таъриф берилган.

Республикада йиғма электрон каталогни яратиш АКМ ва АРМ фондида келиб тушган хужжатлар ва электрон ресурсларига автоматлаштирилган кутубхона дастурлари (ИРБИС, КаДаТа, КАРМАТ, АРМАТ, АИБС) орқали библиографик ёзувлар яратилади ёки on-line режимида корпоратив каталоглаштирилади. Яратилган библиографик ёзувлар файллари миллий айирбошлаш форматида каталогнинг йиғма маълумотлар базасига киритилиши (юклатилиши), яъни, библиографик ёзувлар файллари MARC форматларидан миллий форматга ва тескарига алмаштирилиб, ахборот-кутубхона муассасалари локал тизимида жамланган ретроспектив библиографик ёзувларини миллий форматга алмаштириш ҳамда жорий тушган хужжатларни автоном каталоглаштириш ва айирбошлаш миллий форматида библиографик ёзувлар файлларини яратиш имкони бўлади. Бу WWW - тармоқ воситаси орқали йиғма электрон каталогнинг маълумотлар базасига фойдаланувчиларнинг (китобхон, кутубхоначининг) on-line режимида киришини

таъминлайди. Бу ўз ўрнида меъёрий ёзувлар ва лингвистик маълумотлар базасини яратиш ва юритиш имконини беради. Мавзули маълумотлар базаси, кўрсаткичлар, шу жумладан, миллий библиография (электрон библиографик солнома) яратишда кулай имкониятлар туғдиради.

Мазкур йўналишдаги ишларнинг самарали ташкил этилиши Марказ ва АКМ, АРМ лар ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик, аъзолик тўғрисидаги битим ёки хизматлар кўрсатиш учун расмийлаштирилган икки томонлама шартномалар асосида олиб борилади.

**АКМ, АРМ ва кутубхоналарнинг қайси бир бошқарув тизимига бўйсунушидан қатъи назар ҳудудларда йиғма электрон каталоглар АКМлар негизида яратилиши мақсадга мувофиқдир. Республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси АКМларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги 1487-сон Қарорига мувофиқ йиғма электрон каталог шўъбалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, АРМларнинг йиғма электрон каталогни ташкил этишдаги иштироки фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжин тез фурсатда қондиришга қаратилган.**

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги” Қонунига мувофиқ АРМлар зиммасига қуйидаги вазифалар юкланган:

✓ таълим муассасасининг ихтисослашуви-га мувофиқ асосан илмий-таълимга оид мазмундаги ахборот-кутубхона фондини шакллантириш ва унинг бут сақланишини таъминлаш;

✓ электрон кутубхона ва электрон каталогни шакллантириш;

✓ шахснинг маънавий бой ва баркамол ижодий ўсиши учун имкониятлар яратган ҳолда ўзидаги ва ўзидан узоқдаги ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш асосида Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросидан фойдаланувчиларни баҳраманд этиш;

✓ ахборот-кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланишни таъминлаш;

✓ бошқа ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

✓ йиғма электрон каталогни шакллантиришда иштирок этиш;

✓ маданий, таълим, ахборот дастурлари ва лойиҳаларини ҳамда бошқа дастурлар ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим, илмий муассасалар ва архивлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, миллий маданият марказлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Йиғма электрон каталог яратиш лойиҳаси республикада 2011 йилдан тизим сифатида фаолият юритиб келишига қарамасдан, бугунги кунда ҳам ушбу лойиҳанинг иштирокчи-муассасалари томонидан уни босқичма-босқич амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Марказ мутахассислари томонидан жорий йилда вилоятлар АКМлари жумладан, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларида электрон каталог яратиш ишларининг олиб борилиши ҳолати ўрганилди, муаммо ва камчиликлар аниқланиб, жойида амалий ёрдам кўрсатилди.

Олиб борилган ўрганишлар таҳлили асосида йиғма электрон каталог базасини шакллантириш жараёнидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва ишларни самарали ташкил қилиш мақсадида, on-line тизимида автоматлаштирилган янги “Йиғма электрон каталог” корпоратив дастури яратилди.

**“Йиғма электрон каталог” корпоратив дастури қуйидагиларни амалга оширишга ёрдам беради:**

➤ электрон каталогларни жамлаш;

➤ библиографик ёзувларнинг такрорланишига йўл қўймаслик;

➤ ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорликда ишлаш, маълумот айрибошлаш;

➤ аҳолининг ахборотга бўлган талабини тез ва сифатли бажариш.

“Йиғма электрон каталог” корпоратив дастури on-line тизимида сервер – мижоз муносабатларига асосланган ҳолда фаолият юритади (расмга қаранг).

“Йиғма электрон каталог” корпоратив дастури ҳозирги кунда (unicat.natlib.uz) тест синов режимиде ишламоқда.

2013 йил ва жорий йилнинг биринчи яримида Марказга АКМ ва АРМлардан жами 620 000 га яқин библиографик ёзувлар келиб тушди. Ушбу ёзувларни таҳрир қилиш, такрорийлигини текшириш, фойдаланувчиларга тақдим



«Йиғма электрон каталог» онлайн дастури сервер-мижоз муносабатларига асосланган



этиш ва сифатли сақлаб туриш ишлари амалга оширилмоқда.

Йиғма электрон каталогни яратиш жараёнида ижобий натижалар билан бир қаторда қуйидаги камчиликлар кўзга ташланмоқда:

- АКМ ва АРМлар томонидан тақдим этилаётган статистик маълумотларнинг ҳар хиллиги. Бунинг келиб чиқишига асосий сабаб,
- Марказга юборилаётган маълумотлар базасида жуда кўп библиографик ёзувлар ёки файлларда бўш катаклар мавжудлиги;
- яратилган библиографик ёзувларни тасвирлашда хатоликлар, майдонларни тўлдирishда камчиликларга йўл қўйилганлиги;
- каталоглаштириш жараёнида библиографик ёзувлар стандарт асосида киритилмаганлиги.

Республикада ягона йиғма электрон каталог яратиш ишларини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар тавсия этилади:

1. Йиғма электрон каталог яратиш ишларини самарали ташкил қилиш мақсадида, ва-зирлик, идора ва ташкилотлар тасарруфидаги АКМ ва АРМларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.
2. Йиғма электрон каталогни яратиш, электрон дастурий таъминотни жорий этиш бўйича услубий қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.
3. Йиғма электрон каталогни шакллантириш, электрон дастурий таъминотда ишлаш бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида ҳудудларда ўқув семинарлари ва малака ошириш курслари ташкил этиш.
4. Хорижий кутубхоналарнинг йиғма электрон каталог яратиш бўйича тажрибаларини ҳамда замонавий технологиялар ва усулларини жорий қилиш.
5. Йиғма электрон каталогни яратишга жалб этилган мутахассислар (каталоглаштирувчилар)ни илгор тажрибаларни ўрганиш, малака ошириш мақсадида хорижий мамлакатларга юбориш, соҳавий семинар ва конференцияларда иштирокини таъминлаш зарур.

**ЙИГМА ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГ**  
Республика йиғма электрон каталог маркази

Маълумот

Республика йиғма электрон каталог маркази Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги «2011-2015 йилларда ахборот коммуникация технологиялари асосида ахборот кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарорга мувофиқ ташкил этилган. Республика йиғма электрон каталог маркази Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ўз Низомига мувофиқ Ўзбекистон Миллий кутубхонаси негизида ўз фаолиятини олиб боради. Республика йиғма электрон каталог маркази ва ахборот-кутубхона муассасалари ўрасидаги узаро ҳамкорлик аъзолик тўғрисидаги битим ва ёки хизматлар кўрсатиш учун тузилган икки томонлама шартномалар асосида олиб борилади

**Саволлар ва жавоблар**

Тизимда адабиётларни қидириш қандай амалга оширилади?  
Республика йиғма электрон каталог аъзолари учун қандай қонидлар мавжуд?  
Республика йиғма электрон каталогга қандай аъзо бўлиш мумкин?  
Савол сўраш

**Тизим аъзолари**

1. Адишер Навоии номи Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
2. Республика Йиғма Электрон Каталог Маркази
3. Фанлар Академияси кутубхонаси
4. Республика Илмий Педагогик Кутубхонаси
5. Республика Болялар кутубхонаси

**Фойдали манбалар**

Белоруссия кутубхоналари Йиғма Электрон Каталоги  
Новосибирск яилотии кутубхоналарининг ягона компьютер тармоги  
Миллий Ахборот кутубхона Маркази "ЛИБНЕТ"  
Россия Миллий Кутубхонаси Электрон Каталоги  
Россия давлати Йиғма Электрон каталоги